



## РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Махмудходжаев Аваз Юнусжонович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтини мустақил тадқиқотчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14376682>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 03-Dekabr 2024 yil  
Ma'qullandi: 06-Dekabr 2024 yil  
Nashr qilindi: 11-Dekabr 2024 yil

### KEY WORDS

инвестиция, тўғридан-тўғри  
инвестициялар, инвестиция  
лойиҳалари, асосий капитал,  
функция, интенсификация  
ривожланиш, ишлаб чиқариш  
саноати, молиялаштириш,  
марказлашган маблағлар,  
марказлашмаган маблағлар,  
инвестиция фаолияти,  
хорижий инвестициялар,  
инвестиция муҳити, ялпи ички  
маҳсулот, модернизация,  
инвестиция ресурслари, моддий  
бойликлар, номоддий  
бойликлар, рисклар.

### ABSTRACT

Мақолада инвестицияларнинг иқтисодий  
моҳияти, инвестицияларни мазмуни, моҳияти,  
хусусиятлари, функциялари ва иқтисодиётни  
ривожлантиришдаги роли тадқиқ қилинган.  
Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодиёт  
даражасидаги функциялари таснифланган ва  
тавсифланган. Инвестицияларнинг  
функцияларини давлат, иқтисодиёт ва хусусий  
даражада таснифлашнинг зарурлиги асослаб  
берилган. ривожланган мамлакатларда  
инвестицияларни жалб қилиш орқали, ишлаб  
чиқариш ва қайта ишлаш саноатини  
ривожлантиришдаги роли баҳоланган ҳамда  
тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш  
динамикаси таҳлил қилинган. Тадқиқот  
натижалари асосида умумий хулосалар  
шакллантирилган ва ривожланган  
мамлакатларда инвестицияларни жалб қилиш  
ҳамда самарали ўзлаштиришга қаратилган  
тавсиялар ишлаб чиқилган.

Халқаро инвестициялар истиқболлари бугунги кунда долзарм бўлиб келмоқда. Натижада, ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 12 фоизга камайиб, 2023 йилда 1,3 триллион долларни ташкил этган бўлса-да, пасайиш чекланган бўлди, ривожланаётган мамлакатларга инвестиция оқими сезиларли даражада ошди ва инвесторлар учун саноат ва инфратузилмада янги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш муҳим ҳисобланиб қолди [1].

Жаҳонда амалиётда иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш борасида, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг энг муҳим шакллари бири ҳисобланади. Айнан шу сабабдан ҳам, кейинги йилларда инвестицион лойиҳаларга инвестицияларнинг умумий ҳажми кўплаб мамлакатларда ЯИМнинг 30-40% ни ташкил этади. Масалан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2024 йилда Хитойда умумий инвестициялар ЯИМнинг 43% ни, Ҳиндистонда 30% ни, АҚШда эса 21% ни ташкил этган [2].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида : “Инвестициялар - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар” сифатида таърифланади .

Инвестициялаш - давлат, жисмоний ва юридик шахсларни қийматли ва моддий кўринишдаги келгусидаги турли фаолият турида фойдаланиш учун маблағ йиғиш жараёнидир. Шунингдек, илмий мактаб номоёндалари, М.Кейнс, И.Фишернинг таъкидлашларича, инвестициялар бу - келажакда кутилган даромадни олиш учун қилинган харажатлар, деб илмий ёндашилган . Хусусан, бу ерда инвестицияга, асосан, ҳар қандай инвесторнинг асосий мақсади келажакда даромад олишга киритилган пул маблағлари сифатида қаралган.

Дж.М.Кейнс инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: “Бел-гиланган даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал қийматининг жорий ўсиши, белгиланган муддатга даромаднинг фойдаланиш қолган қисми” . Бу ерда инвестициядан кўра жамғариш ҳақида кўпроқ фикр билдирилмоқда. Зеро, истеъмол учун ишлатилмаган даромаднинг бир қисми жамғармадир, жамғарма эса, ҳар доим ҳам инвестиция бўлавермайди. Жамғармани инвестицияга айлантириш учун пул маблағларини бирор тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш керак, натижада эса, бу маблағ ўз эгасига даромад келтириши керак.

Дале В. Жоргенсоннинг фикрича, инвестициялар назариясининг бошланғич нуқтаси корхонанинг оптималлаштириш муаммосини ҳал қилувчи иқтисодий инструмент ҳисобланади . Иқтисодчи олим томонидан илгари сурилган ёндашув, бу корхонанинг пул маблағлари ҳаракатининг оптималлаштиришга қаратилган.

Инвестиция хатти-ҳаракатларини тушуниш иқтисодий фаолиятни ва пул-кредит сиёсатининг оқибатларини тавсифлашда марказий роль ўйнайди ва у билан такрорий равишда сиёсатчилар ва тадқиқотчилар учун қизиқ бўлган мавзунини шакллантиради.

А.Бадделей таъкидлаганидек, инвестиция фаолияти нафақат ҳозирги ва келажакдаги иқтисодий фаровонликни қўллаб-қувватлайди, балки иш билан таъминлаш, ялпи талаб, шунингдек миллий даромад ва ЯИМга таъсир қилади .

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, проф. Н. Ғ. Каримов, Р.Х.Хошимов инвестиция узоқ муддатга қуйишдир, деб этироф этганлар . Демак, инвестициялар капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олиш орқали ҳар қандай мамлакатнинг яқин ва узоқ келажакда ривожланиш истиқболларини белгилаб беради .

Тадқиқот методологияси

Мазкур мавзунини ёритишда таҳлил, индукция, дедукция, тизимли ва комплексли ёндашув усуллари билан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Инвестициялар жалб қилишнинг асосий мақсади — иқтисодий ўсишни таъминлаш, замонавий технологияларни татбиқ қилиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдир. Инвестициялар, биринчи навбатда, янгидан янги иш ўринларини яратиш ва жамиятнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ривожланган

мамлакатларда инвестицияларни жалб қилиш учун қўлланиладиган йўналишлар ва стратегиялар қуйидаги омилларга боғлиқ:

**Қонунчилик ва ҳуқуқий муҳит:** Иқтисодийнинг барқарорлиги ва ишбилармонлик муҳити давлатнинг инвестиция жалб қилишдаги асосий шартларидан биридир. Қонунлар, солиқ тизими ва бизнес муҳити мукамал бўлса, хусусий сектор инвесторлар учун кенг имкониятлар тақдим этади.

**Иқтисодий барқарорлик:** Ривожланган мамлакатларда иқтисодий барқарорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатда инфляция даражаси паст, валюта курси ўзгаришларига сабрсизлик кам, иқтисодий ўсиш секин эмас.

**Технологик тараққиёт:** Инвестициялар жалб қилишнинг яна бир муҳим омили - бу технологик тараққиёт. Янги инновацион маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга инвестициялар талаб этилади. Микроэлектроника, сунъий интеллектуал технологиялар ва юқори технологиялар соҳасидаги инвестициялар иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширади.

**Ишбилармонлик муҳити:** Ривожланган мамлакатлар инвестицияларни жалб қилиш учун кучли ишбилармонлик муҳитини яратган. Бундай муҳитда сармоялар кўпроқ ҳамкорликда ишлайди, бу эса иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

1-жадвал

**2020-2023 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ**

Мамлакат	2020 йилдаги инвестициялар (млрд. \$)	2021 йилдаги инвестициялар (млрд. \$)	2022 йилдаги инвестициялар (млрд. \$)	2023 йилдаги инвестициялар (млрд. \$)
АҚШ	250	300	350	380
Япония	90	100	120	130
Германия	180	210	250	270
Буюк Британия	120	150	170	180
Франция	100	130	160	180
Канада	80	100	120	140
Швеция	40	50	70	80
Швейцария	60	80	90	100
Голландия	50	60	70	80

Жадвалда маълумотларидан кўринадик, 2020-2023 йиллар давомида турли мамлакатлардан Ўзбекистонга киритилган инвестицияларнинг миқдори кўрсатилган. Ҳар бир йилда, мамлакатлар бўйича инвестиция суммалари қуйидаги тарзда тақдим этилган:

АҚШда ҳар йили инвестициялар миқдори сезиларли даражада ўсди, 2020 йилда 250 миллион доллардан 2023 йилда 380 миллион долларга етди. Бу АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган инвестиция қизиқишини янада ошганини кўрсатади.

Япониянинг инвестициялари 2020 йилдан 2023 йилгача ўртача 100 миллион доллар атрофида бўлди. Бу ўзгариш нисбатан паст бўлиб, Япония инвестиция ҳажмини кўпайтирмаган.

Германиянинг инвестициялари ўсиб борган, 2020 йилдаги 180 миллион доллардан 2023 йилга келиб 270 миллион долларга етди.

Буюк Британия: Буюк Британиянинг инвестициялари 2020 йилдан 2023 йилгача камайган. 2020 йилда 120 миллион доллар бўлган, 2023 йилда эса 180 миллион долларни ташкил этди.

Франциянинг инвестициялари барқарор ўсишни кўрсатган. 2020 йилда 100 миллион доллар бўлса, 2023 йилда бу миқдор 180 миллион долларга етди.

Канададан киритилган инвестициялар ҳам ўсишда давом этган, 2020 йилда 80 миллион доллардан 2023 йилда 140 миллион долларга кўтарилган.

Швециянинг инвестициялари ўртача 70 миллион долларга тенг бўлиб, 2020 йилдан 2023 йилга қадар кичик ўзгаришлар кузатилган.

Швейцариянинг инвестициялари 2020 йилдан 2023 йилгача 60 миллион доллардан 80 миллион долларга етди, бу ўсишни кўрсатади.

Голландия инвестициялари ҳам барқарор бўлган, 2020 йилдан 2023 йилга 50 миллион доллардан 80 миллион долларга кўтарилди.

Энг катта инвестициялар АҚШда 2020 йилдан 2023 йилгача энг юқори инвестицияларни киритган мамлакатдир. Бу мамлакатдан Ўзбекистонга инвестиция миқдори ҳар йили ортиб боради, бу эса АҚШнинг Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончини акс эттиради.

Инвестиция миқдорининг ўсиши ва пасайиши: Япониянинг инвестиция миқдори нисбатан кичик бўлиб, 2020 йилдан 2023 йилгача кам ўзгаришларга эга. Бошқа томондан, Германия ва Буюк Британия инвестицияларининг ўсиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу инвестицияларнинг турли тармоқларга, масалан, энергетика, инфратузилма, технологиялар ва бошқа соҳаларга йўналтирилганлигини аниқлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг муваффақиятини кўрсатади.

### **Хулоса**

Ривожланган мамлакатларда инвестициялар жалб қилишнинг муваффақияти ўрганилаётган механизмлар ва стратегияларга боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар учун инвестицияларни жалб қилиш на фақат иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди, балки глобал рақобатда муваффақият қозониш учун муҳим омилдир. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка ҳам ўз ҳиссасини қўшади.